

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/28.02.2022.T.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ИСМАТОВА ШАХНОЗА НУСРАТУЛЛОЕВНА

**ОМИХТА ЕМ ОЛИШДА НОАНЪАНАВИЙ
ВОСИТАЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш
ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Исматова Шахноза Нусратуллоевна

Омихта ем олишда ноанъанавий воситалардан оқилона фойдаланиш.....3

Исматова Шахноза Нусратуллоевна

Рациональное использование нетрадиционных кормовых средств в
комбикормах.....21

Ismatova Shakhnoza Nusratulloevna

Rational use of non-conventional fodder means in combined feed.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works42

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/28.02.2022.T.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ИСМАТОВА ШАХНОЗА НУСРАТУЛЛОЕВНА

**ОМИХТА ЕМ ОЛИШДА НОАНЪАНАВИЙ
ВОСИТАЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш
ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/1072 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bmti.uz) ва “Ziynet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исабаев Исмоил Бабаджанович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Артиков Аскар Артикович
техника фанлари доктори, профессор

Маматов Шерзод Машрабжанович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Диссертация ҳимояси Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/28.02.2022.T.101.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўчаси, 15 уй. Тел.: (99865) 223-78-84, факс: (99865) 223-78-84, e-mail: bmti_info@edu.uz).

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№374 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўч., 15. Тел.: (99865) 223-78-84).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги №__ рақамли реестр баённомаси).

Н.Р. Баракаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
т.ф.д., профессор

Р.Р. Ҳайитов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби
т.ф.д., кат.ил.ход.

К.Х.Мажидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раис ўринбосари, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда бутун дунёда ресурсларни ҳар томонлама тежаган ҳолда омихта емларнинг озуқавий қиймати ва ўзлаштириш даражасини ошириш мақсадида уларнинг ишлаб чиқариш технологияларини янада такомиллаштириш омихта ем саноати олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Омихта емлар таркибининг 60,0% гачасини одатда дон хомашёси ташкил этиши ҳисобга олинadиган бўлса, бу улардан стратегик мақсадли маҳсулот сифатида етарлича самарали фойдаланилмаётганлигини кўрсатади. Бу, айниқса ҳозирги пайтда, саноатда асосий хомашё, яъни энг биринчи навбатда, анъанавий бошоқли ва дуккакли экинлар захираси чекланганлигида муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалари ўсишини жадаллаштириш мақсадида сифатли омихта ем маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва замон талабларига мос инновацион технологияларни яратиш бўйича муҳим илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада ҳудудий имкониятлар ва биотехнология ютуқларидан фойдаланган ҳолда оксиллар ҳамда биологик фаол моддалар билан бойитилган омихта емлар ишлаб чиқариш жараёнларининг юқори самарали усуллари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда охириги йилларда қишлоқ хўжалигида ётиштирилаётган хомашё базасини кенгайтириш, улардан оқилона фойдаланиш мақсадида қайта ишлаш техника ва технологияларини яратишда муайян натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси учинчи йўналишида “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш...” ва “Чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш...” каби муҳим вазифалар белгилаб берилган¹. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий шароитларда етиштириладиган табиий ноанъанавий хомашё манбаларидан, жумладан, иккиламчи хомашёлардан фойдаланиб қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалари учун таркиби табиий оксил моддалари ва инградиентлар билан бойитилган, озуқавийлиги юқори бўлган омихта емнинг илмий асосланган янги рецептураларини ва такомиллаштирилган технологияларини ишлаб чиқиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 ноябрдаги № ПҚ-4015 “Паррандачиликни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 июндаги № ПҚ-5146 “Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Омихта ем ишлаб чиқаришда хомашё манбаларидан оқилона фойдаланиш муаммолари бўйича дунёда В.Э., Борисенко Е.Г., Глотов И.И., Грачев И.М., Гуменюк Г.Д., Горин К.В., Двалишвили В.Г., Деньщиков М.Т., Драганов И.Ф., Калошина Е.Н., Колпакова В.В., Сизенко Е.И., Иванов Л.А., Arilak S., Jacob J. P. ва бошқалар, мамлакатимизда эса Саломов Ҳ.Т., Хўжамшукуров Н.А., Бешимов Ю.С., Хаитов Р.А., Раджабова В.Э., Мирзаева Д.А. каби олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ва муҳим илмий-амалий ютуқларга эришилган.

Аммо, олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда қўлланилаётган омихта емларда қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалари ўсишини жадаллаштирувчи омиллар асосан стратегик аҳамиятга эга бўлган анъанавий дон маҳсулотлари ҳамда турли оксилли қўшимчаларнинг биотехнологик потенциални гормонал препаратлар таъсирида кучайтиришга асосланган. Шу билан бирга юртимизнинг тупроғи шўрланган ва намлик танқислиги кузатиладиган ҳудудларида етиштириш учун ушбу ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларига мослаштирилган минтақавий ўсимлик хомашёлари, ноанъанавий иккиламчи хомашёлар ҳамда пробиотик таъсирга эга биологик фаол қўшимчаларнинг биотехнологик потенциалидан фойдаланиб, гормонал препаратлар қўлланилишини чекловчи омихта емлар ишлаб чиқариш технологиялари бугунги кунга қадар етарлича ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-А9-5 “Донли экинлар иккиламчи хомашёсидан фойдаланган ҳолда функционал озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ресурс тежовчи технологиясининг янги ишланмалари” амалий илмий-тадқиқот ишлари, шунингдек, 01.12.2020 й.да “REAL FRUKT PRODUKT” МЧЖ билан тузилган №62-20 “Протеин ва биологик фаол моддаларга бой маҳаллий ресурслардан фойдаланиб, омихта емларни бойитиш” хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ноанъанавий озуқа воситаларидан фойдаланган ҳолда озуқавий қиймати юқори бўлган омихта емларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ноанъанавий озуқалар ва озуқавий қўшимчалардан фойдаланганда паррандаларнинг маҳсулдорлиги ва репродуктив сифатларини ошириш бўйича замонавий маълумотларни таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

омихта ем учун хомашё компонентларини, уларга дастлабки ишлов бериш усулларини танлаш ва асослаш, уларнинг кимёвий таркибини, функционал ва технологик хусусиятларини ҳамда озуқавий хавфсизлигини тадқиқ қилиш;

ундирилган киноа ва амарант донларини (уруғларини) тайёрлашнинг ноанъанавий усуллари учун технологик параметрларни ишлаб чиқиш ва уларни товукларнинг озикланиш рационига киритишнинг мақбул дозасини аниқлаш;

ноанъанавий қўшимчалар қўшилган омихта емдан фойдаланганда паррандаларнинг ўсиши ва ривожланишини, гўштлилиқ, тухум унумдорлигини ва репродуктив хусусиятларини ўрганиш;

янги турдаги омихта ем учун меъёрий-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқариш апробациясини ўтказиш, ишланмаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида киноа ва амарант дони (уруғлари), буғдой муртаги маҳсулоти, олма сиқилмасининг кукуни ва “Лактонорм-Н” биологик фаол қўшимчаси, омихта ем намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ноанъанавий хомашё ва унинг озуқавий қийматини оширишнинг биотехнологик усулларида фойдаланган ҳолда бройлер жўжалари ва тухум қўядиган товуклар учун омихта ем рецептурасини такомиллаштириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун хомашё ва тайёр маҳсулотлар сифатини баҳолашнинг стандарт ва махсус замонавий усуллари, шунингдек, олинган натижаларни статистик қайта ишлаш дастурий таъминотидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба бройлер жўжалари ва тухум қўядиган товуклар учун киноа, амарант, бактериал препаратлар, олма сиқилмаси каби ноанъанавий озуқа воситаларидан махсус тайёрланган композицияларни озуқа емида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

ноанъанавий хомашёни дастлабки қисман ундириш ҳамда микробиологик синтез натижасида қўпайтирилган оксиллар ҳисобига омихта емнинг биологик қийматини ошириш мақсадга мувофиқлиги илмий асосланган;

юқори сифатли ва функционал хусусиятлари кучайтирилган омихта емлар ишлаб чиқаришни таъминловчи хомашёни тайёрлаш технологик параметрлари ва омихта емлар рецептуравий компонентларининг турлари ҳамда нисбатлари оптималлаштирилган;

озука еми таркибида ишлаб чиқилган композициялардан фойдаланиш самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

киноа ёки амарант уруғи (дони), пробиотик препаратлардан фойдаланган ҳолда бройлер жўжалари учун протеин қиймати юқори ем маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича рецептура ва технологик тавсиялар ишлаб чиқилган;

киноа ёки амарант уруғи (дони), пробиотик препаратлардан фойдаланган ҳолда тухум берадиган товуклар учун протеин қиймати юқори ем маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича рецептура ва технологик тавсиялар ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги паррандалари учун мўлжалланган биологик қиймати ва зоотехник кўрсаткичлари юқори бўлган омихта емни бройлер жўжалари ва тухум берадиган товук зотларини боқиш учун қўллаш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишлаб чиқариш апробацияларининг натижалари, шунингдек, хомашё, тайёр маҳсулотларнинг асосий сифат кўрсаткичларини физик-кимёвий таҳлил қилиш ва баҳолашнинг замонавий усулларида фойдаланганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти паррандачилик саноатида ўсимлик туридаги рационлар таркибига киноа, амарант дони (уруғи), олма сиқилмаси ва берилган хусусиятларга эга нопатоген бактерияларни қўшган ҳолда ушбу рационлардан комплекс фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда иқтисодий самарадорлигининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижаларнинг жорий этилиши экологик хавфсиз гўшт маҳсулотларини олиш, шунингдек, рациондан гормонал препаратларни чиқариб ташлаш, бройлер жўжалари ва тухум берадиган товуклар учун маҳсулот бирлигига ем харажатларини камайтириш орқали ўсишни ва тухум беришни жадаллаштириш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Омихта ем маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ноанъанавий қўшимчалардан фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

иккиламчи ўсимлик хомашёсини пробиотик сут кислота бактериялари билан тўғридан-тўғри биоконверсиялаш (биотрансформациялаш) йўли билан биофаоллаштирилган оксилли қўшимчани олиш усули “Вухоро парранда” АЖда амалиётга жорий қилинган (“Parrandasanoat” Ўзбекистон паррандачилар уюшмасининг 2021 йил 3 декабрдаги БИ-01/01-491-сон маълумотномаси). Натижада, бу омихта ем рецептурасидаги аминокислота препаратларининг миқдорини камайтириш ёки тўлиқ олиб ташлаш имконини берган;

жўжалар ва товукларнинг гўшт ҳамда тухум кросслари учун ишлаб чиқилган омихта емлар “Вухоро parranda” АЖда амалиётга жорий қилинган (“Parrandasanoat” Ўзбекистон паррандачилар уюшмасининг 2021 йил 3 декабрдаги БИ-01/01-491-сон маълумотномаси). Натижада, буғдой дони сарфи озуқа еми массасига нисбатан 20,0...25,0% га, соя шроти сарфи эса 50,0% га камайтириш имконини берган;

парранда учун омихта емларнинг ишлаб чиқилган таркиблари “Bahrombek Firdavs parranda servis” МЧЖда амалиётга жорий этилган (“Parrandasanoat” Ўзбекистон паррандачилар уюшмасининг 2021 йил 3 декабрдаги БИ-01/01-491-сон маълумотномаси). Натижада, жўжаларнинг ҳар 1,0 кг га ўсишига омихта ем сарфи 8,1% га пасайган, товукларнинг тухум унумдорлигини эса 10,3% га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 2 та республика илмий-техникавий анжуманлари ва форумларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр қилиш учун тавсия этилган республика журналларида 2 та ва хорижий журналларда 3 та мақола, улардан Scopus рўйхатидаги журналда 1 та мақола чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 106 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида масаланинг жорий ҳолати қисқача тавсифланган; тадқиқотнинг долзарблиги ва муҳимлиги, мақсад ва вазифалари, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган; илмий ишнинг давлат дастурлари ҳамда республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган; мавжуд ишланмаларнинг моҳияти ва қўлланилаётганлиги ҳақида маълумотлар берилган.


Диссертациянинг **“Омихта ем ишлаб чиқариш учун қўшимча хомашё истикболли турлари бозорининг асосий тенденциялари таҳлили”** деб номланган биринчи бобида дунёда ва Ўзбекистон Республикасида паррандачиликни ривожлантиришнинг асосий тенденциялари таҳлили келтирилган. Ноанъанавий хомашё турлари ва улардан емлар таркибида фойдаланиш истикболлари тавсифи берилган. Омихта емларнинг озуқавий қийматини ошириш йўллари таҳлил қилинган. Ўзбекистонда етиштириладиган бройлер жўжалар ва товукларнинг физиологик хусусиятлари, айниқса уларни озиклантиришнинг хусусиятлари ўрганилган.

Омихта ем ишлаб чиқаришнинг асосий муаммолари ёритилган ҳамда уларни ҳал этишнинг устувор йўналишлари асосан ноанъанавий хомашёдан фойдаланиш ва ўсимлик хомашёсини қайта ишлашнинг турли усуллари кўллаш мумкинлиги орқали белгилаб берилган

Паррандачиликда аниқланган мавжуд муаммолар асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **“Омихта емларда ноанъанавий хомашёлардан оқилона фойдаланиш тадқиқотларининг объектлари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари кўриб чиқилган, хомашё ва тайёр озуқа еми сифатини баҳолашнинг органолептик, физик-кимёвий, токсикологик, микробиологик, биокимёвий усуллари, шунингдек, тадқиқот натижаларини қиёсий таҳлил қилиш учун тажриба маълумотларини статистик қайта ишлаш усуллари келтирилган.

Тадқиқотнинг мантикий-тузилма схемаси берилган (1-расм).



1-расм. Тадқиқотнинг мантикий-тузилма схемаси

Диссертациянинг “Тадқиқ қилинаётган хомашё ва уни қайта ишлаш маҳсулотларининг кимёвий таркиби, озиқавий хавфсизлиги ва технологик хоссаларининг қиёсий таҳлили” деб номланган учинчи бобида киноа ва (ёки) амарант уруғидан фойдаланиш тажрибаларининг таҳлили ўтказилиб, уларни қишлоқ хўжалиги уй паррандаларининг озуқа еми базасини кенгайтириш учун қўллаш истиқболлари асосланган. Мазкур хомашё уруғи ва вегетатив органларининг (ер усти қисми) кимёвий таркиби ембоп (фураж) буғдой дони ва беда билан қиёсий таҳлил қилинган.

Кўриб чиқилаётган экинларнинг Ўзбекистонда етиштириладиганлари кимёвий таркиби ва озуқавий хавфсизлиги жиҳатидан ўрганилган. Улардан фураж буғдой дони ва яшил (беда, ўт уни) озуқа моддаларига муқобил сифатида фойдаланиш имконияти аниқланган. Паррандалар учун озуқа емининг озуқавий ва биологик қийматини ошириш мақсадида хомашёни қайта ишлашнинг биотехнологик усуллари (донни ёки уруғни қисман ундириш, иккиламчи дон ва мева хомашёсини пробиотик микроорганизмлар томонидан бевосита биоконверсиялаш) самарадорлиги асосланган.

Республика ҳудудининг катта қисми шўрланган ва сув танқислигига учраган қурғоқ тупроқлардан иборат эканлигини ҳисобга олганда, ҳозирги пайтда чорвачилик асосий хомашё, биринчи навбатда, буғдой донига катта етишмовчилик сезмоқда. Шунинг учун юқори ҳосилдор, шўрга ва қурғоқчиликка чидамли экинларга, шу жумладан, сохта донлиларга, хусусан, республиканинг нисбатан экстремал агрометеорологик шароитларига юқори даражада мослашган, кўп мақсадли агросаноат экинлари сифатида киноа ва амарантга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сохта дон экинларидан паррандалар учун омихта ем маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиш имконияти ва самарадорлигини асослаш мақсадида ушбу экинларнинг донлари (уруғлари) ва вегетатив органларининг кимёвий таркиби ва озиқ-овқат хавфсизлиги ўрганилди. Ишнинг ушбу қисмидаги тадқиқот объектлари бўлиб “Баруша” навли киноа, “Харьковский-1” ва “Ацтек” навли амарант донлари (уруғлари) ва вегетатив органлари (ер усти қисми) хизмат қилди. Ишда ўрганилаётган экинлар уруғининг саралашдан кейинги қолдиғи, яъни кейинчалик саноатда қайта ишлашга ёки уруғлик сифатида фойдаланишга мўлжалланмаган қисми ишлатилди.

Таққослаш объектлари сифатида фураж буғдой дони, беда хизмат қилди.

Белгиланган мақсадга мувофиқ киноа ва амарант дони (уруғи) ҳамда яшил массасининг кимёвий таркиби ва озиқавий хавфсизлиги бўйича комплекс тадқиқотлар ўтказилди, шунингдек, ўрганилаётган объектлар дони асосий сифат кўрсаткичларининг таққослаш объекти билан қиёсий таҳлили ва мувофиқ равишда ранжирлаш ўтказилди (1-жадвал).

1-жадвалда келтирилган маълумотлар ўрганилаётган киноа ва амарант донларининг юқори озуқавий қийматини кўрсатади; шундай қилиб, хом протеиннинг масса улуши буғдой донидаги аналогик назорат қийматидан

мос равишда 13,8 ва 10,7% га, хом ёғ – 2,5 ва 2,9 барабарга, хом клетчатка – 2,0 ва 2,4 барабарга, лизин – 1,3 ва 1,8 барабарга юқоридир.

1-жадвал

Ўрганилаётган донли (уруғли) хомашёнинг озуқавий қиймати (ўртача қийматлар)

Моддалар	Моддаларнинг масса улуши, % ҚМ га нисбатан / ранг		
	фураж буғдойи	киноа	амарант
Намлик	14,50	13,30	14,00
Хом протеин	14,39 / 3	16,38 / 1	15,93 / 2
Хом ёғ	2,69 / 3	6,69 / 2	7,91 / 1
Хом клетчатка	4,09 / 3	7,96 / 2	9,77 / 1
Хом кул	3,86 / 1	3,57 / 2	3,35 / 3
Азотсиз экстрактив моддалар (АЭМ)	74,97 / 1	65,40 / 2	63,04 / 3
Аминокислоталар:			
- лизин	0,46 / 3	0,62 / 2	0,85 / 1
- метионин+цистин	0,48 / 2	0,45 / 3	0,51 / 1
Минерал моддалар:			
- кальций	0,05 / 3	0,06 / 2	0,31 / 1
- фосфор	0,55 / 2	0,52 / 3	0,63 / 1
- натрий	0,13 / 1	0,01 / 2	0,10 / 2
Алмашинув энергияси (АЭ), ккал	421 / 3	444 / 2	452 / 1
Умумий ранг, балл	25	23	17

Бунда тадқиқ қилинаётган объектлар донида таққослаш объектига караганда хом кул 7,5 ва 13,2 % га, АЭМ эса 12,8 ва 15,8% га камроқ бўлган. Метионин ва цистин, шунингдек белгиланган минерал моддалар миқдори бўйича ўрганилаётган хомашёлар сезиларли фарқларга эга бўлмаган. Киноа ва амарант донининг АЭ индекси буғдойникига караганда мос равишда 23 ва 31 ккал.га юқори, бу ҳам омихта ем ишлаб чиқаришда улардан дон экинларига муқобил сифатида фойдаланиш имконияти ва мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги тахминни тасдиқлайди. Ранжирлаш натижаларига кўра, буғдой донига (25 балл) нисбатан киноа дони 2 баллга ва амарантники - 8 баллга устун бўлиб, бу уларни таққослаш намунасига караганда юқори озуқавий қийматли маҳсулотлар сифатида тавсифлайди (ранг қанча паст бўлса, қиймат шунча юқори бўлади). Киноа ва амарант уруғларининг ўрганилган намуналари Ўзбекистон Республикаси Сан Қ ва М №0366-19 (4.1-банд) талабларига ҳамда Европа Иттифоқи Кенгашининг №183/2005 тавсияларига жавоб бериши аниқланди.

Тадқиқ қилинаётган экинлар ер усти қисмининг думбуллиги давридаги озуқавий қиймати ўрганилди. Таққослаш намунаси сифатида беданинг яшил массаси хизмат қилди. Бунда тадқиқ қилинаётган объектларнинг ер усти

кисми (вегетатив органлари) озукавий қиймати бўйича таққослаш намунаси, яъни беда кўрсаткичларидан деярли қолишмаслиги кузатилди.

Шундай қилиб, тадқиқ қилинаётган хомашёларнинг дони (уруғлари), шунингдек, уларнинг яшил биомассаси ва экин қолдиқлари парранда учун омехта ем таркибидаги дон экинлари ва ўсимлик унига (ўт уни ва бошқаларга) муқобил сифатида ишлатилиши мумкинлиги исботланди.

Киноа ва амарант айнан битта оиланинг (Амарантларнинг) вакиллари бўлганлиги сабабли, ундириш самарадорлигини улардан бирида текшириш кифоя қилади. Шу сабабли тадқиқот объекти сифатида киноа дони (уруғлари) танланди.

Ундириш давомийлигининг киноа дони (уруғи) биологик ва озукавий қийматига таъсири ўрганилди.

Тадқиқотлар 2 босқичда ўтказилди: киноа донини 144 соат давомида ундириш ва уни $14,0 \pm 0,5\%$ намликгача қуритиш. Назорат сифатида бошланғич, яъни ундирилмаган дон хизмат қилди. Тадқиқот натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Ундириш жараёнида доннинг хусусий ферментлари, хусусан, амилаolitik ва протеolitik ферментлар (амилазалар ва протеазалар) фаоллашиши содир бўлади. Дондаги амилаolitik фаолликнинг ошиши 96 соатгача ундиришда давом этиши ва сўнгра пасайиши, бунда протеolitik фаоллик доимий ошиб бориши аниқланди, шунинг учун кейинги тадқиқотлар ундириш даври 96 соатдан ошмаган донни қўллаб амалга оширилди.

Оқсил фракцияларининг ўзгариш динамикаси таҳлили (2-жадвал) шуни кўрсатдики, ундирилган дон таркибида осон ва қийин эрийдиган оқсил фракцияларининг нисбати яхшиланган ва оптимал нисбат 1,5:1,0 бўлгани ҳолда, 0,85:1,0 ни ташкил этган, яъни оқсилнинг осон эрийдиган фракцияси бошланғич донга нисбатан деярли 3,0 бараварга ошган, бу эса оқсилнинг ўзлаштирилишини енгиллаштиради.

Ундириб қурилган донда хусусий ферментлари таъсирида хом оқсил миқдори ўртача 4,9% га, оқсил бўлмаган азот эса 48,3% га ошди. Бунда ўсимликларнинг ўсиши учун муҳим бўлган оқсиллар ҳамда тўпланган кичик молекуляр бирикмалардан (пептидлар ва аминокислоталардан) иборат биополимерларнинг автолиз жараёни жадаллашиши натижасида оқсил масса улушининг 10,6% га камайиши кузатилди.

Сувда ва тузда эрувчан оқсил фракцияларининг миқдори мос равишда 2,0 ва 1,7 марта ошди, ажратиб олинмайдиган қолдиқ миқдори эса ундирилмаган киноа донига нисбатан 1,7 марта камайди. Олинган натижалар оқсилнинг аниқланган эрувчанлик кўрсаткичи – Кольбах сони билан мос келади, чунки бошланғич хомашёда у 15,4% ни ташкил қилди (бу етарли эмас, чунки 35,0% дан кам), қуруқ ундирилган донда эса 35,2% ни ташкил қилди, бу эса уни “яхши” (35,0 ... 41,0%) сифатида тавсифлайди.

Ундириш давомийлигининг киноа дони оксил комплексига таъсири


Моддалар	Дондаги (уруғдаги) моддаларнинг масса улуши, ҚМ га нисбатан % ҳисобида				
	бошланғич	ундирилган, соатдан кейин			қуритилган
		24	72	120	
Хом протеин, шу жумладан:	16,38	16,38	16,38	16,57	16,46
оксил	14,66	14,66	14,22	14,13	13,10
оксил бўлмаган азот	1,72	1,72	2,16	2,44	2,55
оксил бўлмаган азотнинг протеинга нисбатан миқдори, %	10,50	10,50	13,19	14,72	15,50
Оксил фракциялари:					
эрийдиган	2,26	2,65	3,10	4,78	4,61
тузда эрийдиган	1,07	1,44	1,56	1,87	1,79
ишқорда эрийдиган	6,03	4,32	4,01	3,75	3,82
спиртда эрийдиган	2,60	2,79	2,58	2,07	2,10
ажратиб олинмайдиган қолдиқ	2,70	3,46	2,97	1,66	1,59
Оксилнинг осон ва қийин эрийдигин фракциялари нисбати	0,29:1,0	0,39:1,0	0,48:1,0	0,89:1,0	0,85:1,0
Кольбах сони, %	15,4	-	-	-	35,2

Шунга ўхшаш динамика ундириш даврида доннинг углевод комплекси таркибий қисмларининг ўзгаришида ҳам кузатилади. Донни ундириш жараёнида крахмал миқдори табиий равишда 13,7 дан 60,3% гача камайганлиги, бунда эркин қанд миқдори 4,5 дан 50,6% гача, крахмал бўлмаган полисахаридлар миқдори 2,1-2,9 марта, хом клетчатка миқдори 7,3 дан 42,2% гача ошганлиги аниқланди. Бу крахмалнинг гидролизланиши ва қанд моддаларидан униб чиқаётган доннинг ўсаётган органлари учун бошланғич энергия манбаи сифатида фойдаланилиши билан боғлиқдир. Шундай қилиб, киноа донини (уруғини) ундириш мақсадга мувофиқлиги асосланди ва унинг оптимал (96 соат) ҳамда чегаравий (120 соатгача) давомийлиги аниқланди.

Мева ва доннинг иккиламчи хомашёсини пробиотик микроорганизмлар ёрдамида тўғридан-тўғри биотрансформациялаш (биоконверсиялаш)нинг паррандалар омихта еми қўшимчасидаги оксил қийматининг ошишига таъсири ўрганилди. Микроорганизмлар учун озучавий субстратнинг ингредиентлари сифатида буғдой муртак маҳсулоти (БММ) ва олма сиқилмасининг кукуни (ОСК), ачитиб биомасса тўплаш учун эса *Laktobacillus fermentum* № 231 штамми лактобактериялари асосидаги “Лактонорм-Н” биологик фаол қўшимчаси ишлатилди. Бактериал

популяцияни етилтириш новвойлик корхоналаридаги суюқ хамиртуруш тайёрлаш мисолида, яъни озукавий муҳит сифатида унли қайнатма тайёрлаш ва унда бактерияларни кўпайтириб етиштириш орқали амалга оширилди. Прототип (такқослаш намунаси) сифатида анъанавий технология бўйича, яъни иккинчи навли буғдой уни ҳамда жайдари жавдар унидан 7: 3 нисбатда тайёрланган қайнатма хизмат қилди.

Тажриба вариантларида пребиотик озукавий муҳитни тайёрлаш учун ун БММ, ОСК ва ундирилган киноа донларидан 8:1:1 нисбатда тайёрланган аралашма билан алмаштирилди. Тайёр озукавий муҳитга ҳар 1,0 кг қайнатмага 1 доза (камида $10 \cdot 10^6$ бактерия) ҳисобидан бактериал препарат киритилди. Ушбу препаратнинг худди шундай миқдори назорат хамиртурушига ҳам (прототипга) киритилди. Озукавий муҳит таркибининг ва етилтириш давомийлигининг бактериялар биомассаси тўпланишига таъсири бўйича тадқиқотларнинг натижалари 2-расмда келтирилган.



2-расм. Озукавий муҳит таркибининг ва етилтириш давомийлигининг бактериялар биомассаси тўпланишига таъсири

Олинган маълумотларнинг таҳлили (2-расм) шуни кўрсатадики, етилтириш даврида биомасса назорат вариантыда 7,2 барабарга, тажриба вариантыда эса 7,7 барабарга ошди, лактобактерияларнинг унумдорлиги такқослаш намунасида 4,8 млрд. хужайра/мл, тажриба вариантыда эса 5,4 млрд. хужайра/мл ни ташкил қилди. Тажриба вариантыда назоратникига қараганда лактобактериялар популяциясининг ўсиш тезлиги деярли 2 барабар юқори, генерация давомийлиги эса 2 барабар кам бўлди, бу биринчи навбатда субстратдаги редуцирловчи моддаларнинг (5,8% га) ва айниқса муҳими, аминли азотнинг (21,2% га) юқори миқдори билан боғлиқдир.

Олинган маълумотлар юқори оқсилли омихта ем қўшимчаларини олиш учун хомашёни тўғридан-тўғри биотрансформациялаш (биоконверсиялаш) усулини қўллашнинг технологик самарадорлигини исботлайди.

Диссертациянинг **“Юқори озукавий қийматли омихта емларнинг рецептура таркибини ишлаб чиқиш ва уларнинг сифатини баҳолаш”** деб номланган тўртинчи бобида бройлер жўжалари учун ўсишнинг турли

босқичларида (бошланиши, ўсиши ва тугаши) ва тухум қўядиган товуклар учун таркибига тадқиқ қилинаётган хомашё ва қўшимчалар киритилган омихта ем рецептуралари келтирилган. Қўшимчали гранулаланган омихта емларни тайёрлаш бўйича технологик тавсиялар ишлаб чиқилган. Омихта емнинг озучавий ва биологик қийматини таҳлил қилиш натижалари келтирилган. Тадқиқ қилинаётган қўшимчаларнинг омихта емнинг сақлаш муддатига таъсири тавсифи берилган.

Бройлер жўжаларига мўлжалланган омихта ем рецептура таркибини оптималлаштириш учун прототип сифатида Бухоро вилояти паррандачилик корхоналарида қўлланилаётган омихта ем рецептуралари хизмат қилди. Тажриба омихта еми рецептураларида 20,0 дан 28,0% гача буғдой дони ундирилган киноа дони билан ва 50,0% соя шроти эса курук биофаоллаштирилган оксилли қўшимча билан алмаштирилди, бунда аминокислота препаратларини қўллашдан воз кечилди. Оптималлаштириш мезонлари бўлиб қуйидагилар хизмат қилди: ўзлаштириш даражасини инобатга олган ҳолда муҳим аминокислоталар сони (DIAAS) ва биологик қиймат (БК). Тадқиқот натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Назорат омихта еми таркибидаги DIAAS кўрсаткичлари эталон (идеал) оксилиникига нисбатан лизин бўйича 25,0 ... 35,0, метионин ва цистин бўйича 96,0, треонин бўйича 44,0 ... 72,0 ва триптофан бўйича 82,0 ... 97,0% га юқори эканлиги аниқланди. БК эса 71,50 дан (стартда) 73,75% гача (финишда) ўзгарганлиги қайд этилди.

Омихта емнинг тажриба намуналари мувозанатланганрок аминокислоталар таркиби билан фарқланади, айнан DIAAS кўрсаткичи озуча емида лизин бўйича ўсиш даврида идеал (100%), бошланғич - старт даврида 96,0% ва якуний - финиш даврида 92,0% ни ташкил этди. БК қийматлари назорат қийматларидан ўртача 10,0% га юқори бўлди, бу ўз навбатида омихта ем таркибидан L – треонин, лизин монохлоргидрати ва DL – метионинни чиқариб ташлаш учун асос бўлиб хизмат қилди, чунки уларни қўллаганда асосий муҳим аминокислоталар миқдорининг эталон оксилидаги қийматлардан сезиларли оғиши кузатилди.

Тармоқланган занжирли аминокислоталар (BCAA) кўрсаткичининг максимал қиймати жўжаларни боқишнинг дастлабки босқичида қўлланиладиган омихта емда аниқланди, сўнгра унинг қиймати бошланғич қийматларга нисбатан назорат намуналарида 7,2 (ўсиш даврида) ва 14,0% га (финишда), тажриба намуналарида эса мос равишда 5,6 ва 11,1% га камайди. Бунда тажриба вариантларида мазкур аминокислоталарнинг миқдори (ўсишнинг барча босқичларида) таққослаш намуналарига караганда ўртача 10,0% га паст эканлиги кузатилди. Худди шундай боғлиқлик креатин синтезловчи аминокислоталар (КСА) учун ҳам аниқланди.

Тухум қўядиган товуклар учун омихта ем рецептурасида ҳам 25,0% фураж буғдойини ундирилган киноа (амарант) дони билан, 50,0% соя шротини эса юқори оксилли омихта еми қўшимчаси билан алмаштириш

натижасида рецептурадан лизин монохлоргидрати ва DL-метионинни чиқариб ташлаш имконияти асослаб берилди.

3-жадвал

Бройлер жўжалар учун омихта емнинг озукавий ва биологик қиймати

Кўрсаткич	Кўрсаткич қиймати, %	
	Базавий	Тажриба
Алмашинув энергияси (АЭ), ккал		
<i>старт</i>	340,05	381,20
<i>ўсиш</i>	338,24	376,04
<i>финиш</i>	343,09	393,57
Омихта емнинг энергетик тўйимлилиги (ОЭТ), ОЭБ бирлиги	0,14	0,16
Хом протеиннинг масса улуши:		
<i>старт</i>	23,02	24,21
<i>ўсиш</i>	21,58	22,86
<i>финиш</i>	20,44	21,62
Хом клетчатканинг масса улуши:		
<i>старт</i>	5,12	5,90
<i>ўсиш</i>	5,03	6,26
<i>финиш</i>	4,79	6,13
Лизиннинг масса улуши	1,12	0,29
Метионин ва цистиннинг масса улуши	1,09	0,22
лизин : треонин нисбати (1,00: 0,63)	1,00 : 0,98	1,00 : 0,76
DIAAS кўрсаткичи (лизин бўйича), %		
<i>старт</i>	135	96
<i>ўсиш</i>	129	100
<i>финиш</i>	125	92
БК, %		
<i>старт</i>	71,50	82,00
<i>ўсиш</i>	72,00	81,50
<i>финиш</i>	73,75	83,25
ВСА аминокислоталар, г/100 г маҳсулот		
<i>старт</i>	3,798	3,534
<i>ўсиш</i>	3,524	3,364
<i>финиш</i>	3,255	3,136
КС аминокислоталар, г/100 г маҳсулот		
<i>старт</i>	3,226	2,919
<i>ўсиш</i>	2,976	2,745
<i>финиш</i>	2,756	2,570
Кальцийнинг масса улуши (Са)	3,68	3,62
Фосфорнинг масса улуши (Р)	1,80	1,74
Са : Р нисбати (2,0 : 1,0)	2,0 : 1,0	2,1 : 1,0


Тажрибавий омихта емида АЭ қиймати сезиларли ўзгармаганлиги аниқланди, буни ОЭТ кўрсаткичи ҳам кўрсатади, бунда хом оксил ва клетчатка масса улуши назорат қийматларига қараганда мувофиқ равишда 0,72 ва 0,75% га ошган. Лизин, метионин ва цистин миқдори бир оз пасайган,

бунда БҚ 5,25% га ошганлиги, кальций ва фосфорнинг нисбати яхшиланганлигини кузатиш мумкин.

Олинган омихта емлар органолептик ва физик-кимёвий сифат кўрсаткичлари бўйича ГОСТ 18221-2018 талабларига жавоб бериши аниқланди. Сақлаш жараёнида омихта емларнинг тадқиқ қилинаётган намуналарида умумий кислоталиликнинг ўзгариши сезиларли фарқларга эга бўлгани йўқ. Худди шундай натижалар сақлаш жараёнида ёғнинг кислота сони ўзгариши динамикасини ўрганишда ҳам олинди.

Диссертациянинг **“Парранда учун омихта емлар сифатини зоотехник ва физиологик баҳолаш”** деб номланган бешинчи бобида киноанинг (амарантнинг) ундирилган дони (уруғи) ва оксилли қўшимчадан фойдаланиб тайёрланган омихта емнинг бройлерлар ўсишининг турли босқичларида ҳамда товукларнинг зоотехник ва физиологик хусусиятларига таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган.

Бройлер жўжалар омихта емидан фойдаланиш самарадорлиги синовлари “Вухогорранда” АЖ да Росс-308 ва Кобб-500 кросслари (чатиштирилган зотлари) бройлерларида ўтказилди. Аналоглар тамойилига (келиб чиқиши, ёши, жинси, тана вазни) асосан бройлерларнинг икки (назорат ва тажриба) гуруҳи шакллантирилди. Бройлер жўжаларининг биринчи гуруҳи (назорат) базавий рецептура бўйича, иккинчи гуруҳи (тажриба) эса оптималлаштирилган рецептура бўйича тайёрланган омихта емини бериб боқилди. Олинган маълумотлар 3-расмда келтирилган.



3-расм. Жўжаларнинг вазн ортиши кўрсаткичлари (назоратга нисбатан % да): 1 – бошлангич; 2 – 10 кундан кейин; 3 – 24 кундан кейин; 4 – сўйишдан олдин.

Назорат гуруҳининг 10 кунлик, 24 кунлик ёшдаги ва сўйишдан олдинги бройлерларнинг тирик массаси назоратникига қараганда мос равишда 10,9; 7,37 ва 2,5% га ортиқлиги қайд этилди. Ҳар 1,0 кг га ўсиш учун омихта ем харажатлари назорат гуруҳиникига қараганда 8,1% га паст бўлди, бунда ўртача кунлик ўсиш назорат кўрсаткичларидан 8,4% га ва сўйиш унумдорлиги 5,5% га ошди. Қорин бўшлиғи ёғининг чиқиши назорат

гуруҳиникига нисбатан 5,4% га камроқ бўлганлиги ва мос равишда, кўкрак мушаклари чиқишининг ошиши ҳам омихта емнинг тавсия этилган таркиби самарадорлигини тасдиқлайди.

Рецептурасига киноанинг ундирилган дони ва оксилли қўшимча киритилган тухум қўядиган товуқлар омихта емидан фойдаланиш самарадорлиги синовлари бройлер жўжалар билан ўтказилган тадқиқотларга ўхшаш тарзда Ломан Браун кросс товуқларида тухум қўйиш даврида ўтказилди. Тадқиқот натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Тухум қўядиган товуқларнинг зоотехник хусусиятлари

Кўрсаткич	Кўрсаткичлар қиймати	
	Назорат	Тажриба
Товуқ бошларининг ўртача сони, бош	30	30
Товуқ бошлари сонининг сақланиши, %	100	100
1 та товуқдан олинган тухум, дона	165	182
Тухум массаси, г	63,4	65,1
Жорий даврда 1 та товуққа омихта ем сарфи, кг	42,5	40,6
1 та бошга нисбатан тухум массаси чиқиши, кг	10,46	11,83
10 та тухум ишлаб чиқариш учун омихта ем сарфи, кг	1,20	1,16

4-жадвалдаги маълумотлардан келиб чиқадики, тажриба омихта емидан фойдаланиш тухум қўядиган товуқлар тухум беришининг 10,3% га ошишига олиб келди ва ҳар 10 та тухум ишлаб чиқаришга сарфланадиган омихта ем харажатларини назорат гуруҳиникига нисбатан 3,3% га камайтириш имконини берди.

Тухумларнинг фракцион таркибини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, тажриба гуруҳида тухумнинг массаси назорат намуналариникига нисбатан 2,5% га, сариғининг массаси 3,8% га ва оқининг массаси 2,9% га ортиқ бўлган, натижада тажриба вариантларида тухум пўчоғининг масса улуши ўртача 2,9% га камайган. Тухум қўядиган товуқларнинг назорат гуруҳи тухумлари биринчи тоифа тухумларига (56,0 дан 64,9 г гача), тажриба гуруҳи тухумлари эса сараланган тухумлар тоифасига (65,0 дан 74,9 г гача) мансуб бўлиб, ГОСТ 31654-2012 талабларига жавоб беради.

Шундай қилиб, иккиламчи хомашёларни бевосита биотрансформациялаш (биоконверсиялаш) усули билан олинадиган ундирилган киноа (амарант) дони ва оксилли қўшимчанинг протеинли ўсиш стимулятори сифатида омихта ем таркибига киритиб қўлланилиши мақсадга мувофиқ эканлиги исботланди.

Фураж буғдойи дони, соя шротининг рецептуравий миқдорини камайтириш ва импорт қилинадиган қимматбаҳо аминокислота препаратларини рецептурадан чиқариш омихта ем таннархини пасайтириш билан бирга бройлер жўжалар учун ҳар 1,0 тонна маҳсулотдан олинадиган даромадни 8863,3 сўмга, унинг рентабеллигини 9,0% га ошириш; тухум

кўядиган товуклар учун эса ҳар 1,0 тонна маҳсулотдан олинадиган даромадни 15 414,0 сўмга ва унинг рентабеллигини 4,0 % га ошириш имконини беради.

ХУЛОСА

1. Соҳага оид адабиётларнинг априор таҳлилига асосланиб, ноанъанавий озуқа ва қўшимчаларни ишлатганда паррандаларнинг маҳсулдорлик ва репродуктив сифатини ошириш ҳақидаги замонавий маълумотларни таҳлил қилиш ва тизимлаштириш амалга оширилди.

2. Омихта ем учун танланган хомашё компонентлари, уларнинг кимёвий таркибини тадқиқ қилиш, функционал ва технологик хусусиятлари, озиқавий хавфсизлиги ва дастлабки ишлов бериш усуллари асосланди.

3. Дастлаб ундириб, киноа ва амарант донларини (уруғларини) тайёрлаш ноанъанавий усулларининг технологик параметрлари ва уларни товуклар рационига қиритишнинг оптимал дозалари аниқланди.

4. Донни қайта ишлашнинг иккиламчи маҳсулоти (буғдой муртаги маҳсулоти) ҳамда мева хомашёсидан (олма сиқилмасининг кукунидан), шунингдек, ўз хусусий ферментлари билан ферментлаштирилган униб чиққан киноа донидан озуқа субстратини тайёрлаш ва сўнгра озуқа еми учун пребиотик ва пробиотик хусусиятларга эга оксилли қўшимчани олиш мақсадида аралашмани *Laktobacillus fermentum* № 231 *laktobakteriyalari* билан ачитиш мақсадга мувофиқлиги асосланди.

5. Жараён параметрлари ишлаб чиқилди: озуқавий муҳитнинг дастлабки намлиги – 60,0...65,0%; бактериял (ачитқи) популяцияни етилтириш давомийлиги – 8 соатдан кўп эмас; культурали муҳит ҳарорати – 35..40 °С; субстрат қатламининг қалинлиги – 25...30 мм.

6. Бройлер жўжалари рационини ноанъанавий табиий хомашё озуқаси билан бойитиш тирик вазнининг ўртача суткалик ўсишини 8,4 фоизга ва сўйилган бройлерлар чиқишини 5,5 фоизга ошириши, ҳар 1,0 кг ўсишга озуқа харажатларини 8,1 фоизга камайтириши аниқланди.

7. Тухум кўядиган товукларни боқиш учун тавсия этилган омихта емдан фойдаланиш тухум маҳсулдорлигини 10,3% га оширади, тухум сифатини яхшилайдиган, ҳар 10 та тухум ишлаб чиқариш учун сарфланадиган озуқа харажатларини 3,3% га камайтиради ва озуқа моддаларининг ҳазм бўлиш даражасини яхшилайдиган.

8. Тажриба-саноат синовлари боқишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш мақсадида текширилаётган ноанъанавий озуқа хомашёлари асосидаги омихта емлардан бройлер жўжалар ва тухум кўядиган товуклар рационига фойдаланиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/28.02.2022.Т.101.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ
ИНЖЕНЕРНО - ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО – ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ИСМАТОВА ШАХНОЗА НУСРАТУЛЛОЕВНА

**РАЦИОНАЛЬНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ НЕТРАДИЦИОННЫХ
КОРМОВЫХ СРЕДСТВ В КОМБИКОРМАХ**

**02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.2.PhD/1072

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно - технологическом институте.

Аннотация диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета (www.bmti.uz) и в портале информационно-образовательной сети «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Исабаев Исмоил Бабаджанович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Артиков Аскар Артикович
доктор технических наук, профессор

Маматов Шерзод Машрабжанович
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация:

Каршинский инженерно-экономический институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2022 г. в «__» часов на заседании научного совета DSc. 03/28.02.2022. Т.101.01 при Бухарском инженерно-технологическом институте по адресу: Бухарская область, 200117, г. Бухара, ул. К. Муртазаева, 15. Тел.: (+99865) 223-78-84; факс: (+99865) 223-79-72; e-mail: bmti_info@edu.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технологического института за №374, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (Адрес: 200117, г. Бухара, ул. К. Муртазаева, 15. Тел.: (+99865) 223-78-84).

Аннотация диссертации разослан «__» _____ 2022 года.
(протокол рассылки № _____ от _____ 2022 г.).

Н.Р. Баракаев

Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

Р.Р. Хайитов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., старший научный сотрудник

К.Х.Мажидов

Заместитель председателя научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире одной из основных задач, стоящих перед комбикормовой промышленностью, является дальнейшее совершенствование технологии производства комбикормов с целью повышения их питательной ценности и усвояемости при всемерном ресурсосбережении. В составе комбикормов обычно содержится до 60,0% зернового сырья, что подтверждает факт неэффективного его использования как продукта стратегического назначения. Особенно это важно в настоящее время, когда промышленность испытывает дефицит основного сырья, в первую очередь в традиционных зерновых и зернобобовых культурах.

В мире проводятся важные научные исследования по производству качественных комбикормовых продуктов для ускорения роста сельскохозяйственных животных и птицы и по созданию инновационных технологий, отвечающих современным требованиям. Особое внимание уделяется направлению создания высокоэффективных способов производства комбикормов, обогащенных белками и биологически активными веществами, с использованием региональных возможностей и достижений биотехнологии.

В последние годы в нашей республике достигнуты определенные результаты по созданию перерабатывающей техники и технологий с целью расширения сырьевой базы, используемой в сельском хозяйстве и рационального их использования. В третьем направлении новой стратегии развития Узбекистана определены такие важные задачи, как «Интенсивное развитие сельского хозяйства на научной основе...» и «Расширение кормовой базы животноводства...»¹. Исходя из вышеизложенного, большое научное значение имеет разработка новых рецептур и усовершенствованных технологий высокопитательных комбикормов, обогащенных натуральными белками и ингредиентами, для сельскохозяйственных животных и птицы с использованием природных нетрадиционных источников сырья, в том числе вторичных, выращенных в местных условиях.

Данная диссертация в определенной мере служит реализации задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП – 4015 от 13.11.2018 г. «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию птицеводства», №ПП – 5146 от 14.06.2021 г. «О дополнительных мерах, направленных на развитие птицеводства и укрепление кормовой базы отрасли».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в Республике. Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

Степень изученности проблемы. Изучением проблем рационального использования сырьевых ресурсов в производстве комбикормов в мире занимались такие учёные, как Борисенко Е.Г., Глотова И.И., Грачева И.М., Гуменюк Г.Д., Горин К.В., Двалишвили В.Г., Деньщикова М.Т., Драганова И.Ф., Калошина Е.Н., Колпакова В.В., Сизенко Е.И., Иванова Л.А., Arilak S., Jacob J. P. и др., а в нашей стране Саломов Х.Т., Хўжамшукуров Н.А., Бешимов Ю.С., Хаитов Р.А., Раджабова В.Э., Мирзаева Д.А., в результате чего достигнуты значительные научные и практические достижения.

